



O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

IMOM BUXORIY SABOQLARI

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal



Jurnal O'zbekiston
Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi
huzuridagi
Oliy attestatsiya
komissiyasining
ilmiy jurnallar
ro'yxatiga kiritilgan.



2026/1



www.bukhari.uz

№1
2026

IMOM BUXORIY SABOQLARI

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal



IMOM BUXORIY MAJMUASI — ISLOM OLAMINING YANGI VA BEBAHO DURDONASI, «TOJ MAHAL»DAN GO'ZALROQ LOYIHA

Prezident Shavkat Mirziyoyev joriy yil 19-mart kuni Samarqand viloyati Payariq tumanida qaytadan bunyod etilgan Imom Buxoriy majmuasiga tashrif buyurdi.

– *Muborak Ramazon hayiti arafasida buyuk vatandoshimiz, hadis ilmining sultoni Imom Buxoriy hazratlarining ruhi poklariga yana bir bor hurmat-ehtirom bajo keltirmoqdamiz. Buxoriy bobomiz Qur'oni karimdan keyingi eng mo'tabar manba bo'lgan hadislar kitobini yaratib, butun islom olamida shuhrat qozongan ulug' siymodir. Muqaddas zaminimiz dunyoga mana shunday mashhur allomani bergani bilan har qancha faxrlansak, arziydi. El-yurtimizning fidokorona mehnati bilan bugun orzu-niyatlarimiz ro'yobga chiqdi. Bu betakror ziyoratgohni Imom Buxoriy bobomizning olamshumul mavqeiga, yuksak maqomiga munosib darajada bunyod etishga muyassar bo'ldik. Mana shunday tabarruk maskan barchamizga muborak bo'lsin,* – dedi davlatimiz rahbari.

TAHRIR HAY'ATI

- Akmal SAIDOV – yuridik fanlari doktori, akademik
- Shayx Nuriddin XOLIQAQAZAR – O'zbekiston musulmonlari idorasi raisi, muftiy
- Firdavs ABDUXOLIQOV – san'atshunoslik fanlari doktori
- Davronbek MAXSUDOV – tarix fanlari doktori, professor
- Bahrom ABDUHALIMOV – tarix fanlari doktori, professor
- Baxtiyor TURAYEV – falsafa fanlari doktori, professor
- Baxtiyor KARIMOV – falsafa fanlari doktori, professor
- Ilhom SAIDOV – tarix fanlari doktori, professor
- Zohidjon ISLOMOV – filologiya fanlari doktori, professor
- Zohidullo MINAVVAROV – siyosiy fanlar doktori, professor
- Nodirjon ABDULAHATOV – tarix fanlari doktori
- O'ktambek SULTONOV – tarix fanlari doktori
- Baxtiyor ERGASHEV – tarix fanlari doktori
- Amriddin BERDIMURODOV – tarix fanlari nomzodi
- Mahmud NASRULLAYEV – tarix fanlari nomzodi, dotsent
- Sarvar ABDULLAYEV – falsafa fanlari nomzodi, dotsent
- Jamoliddin KARIMOV – tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori
- Komiljon SHERMUXAMEDOV – tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori
- Shahzod ISLOMOV – tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori
- Otabek MUHAMMADIYEV – tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori, katta ilmiy xodim

- Ashirbek MO'MINOV – tarix fanlari doktori, professor (L.N. Gumilev nomidagi Yevroosiyo milliy universiteti)
- Devin DeWeese – Indiana universiteti professori, yozuvchi (AQSH)
- So'nmez KUTLU – Anqara universiteti professori, ilohiyotchi (Turkiya)
- Ingeborg BALDAUF – Humboldt nomidagi Berlin universiteti professori (Germaniya)

IBXITM Ilmiy kengashining 2025-yil 7-oktabrdagi 2-sonli yig'ilish qarori bilan nashrga tavsiya qilindi.



MUASSIS:

O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
**IMOM BUXORIY XALQARO
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI**

Bosh muharrir:
Shovosil ZIYODOV

Muharrir o'rinbosarlari:
**Otabek MUHAMMADIYEV,
Sanjarbek DJUMANOV**

Musahhih:
Anvar BOBOYEV

Sahifalovchi-dizayner:
Muhammadiqbol SHUKUROV

**Azim ZOYIROV,
Rustam MAHMUDOV**
olgan suratlardan foydalanildi.

*Jurnal O'zbekiston
Respublikasi Vazirlar
Mahkamasi huzuridagi
Oliy attestatsiya
komissiyasining ilmiy
jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.*

**MAQOLADA KELITIRILGAN
MA'LUMOTLAR UCHUN
MUALLIF MAS'UL.**

Шовосил ЗИЁДОВ. Илм, фан ва маданият – муслмон алломалар талқинида.....2

БАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Отабек МУҲАММАДИЕВ. Абу Ҳанифа ва ҳанафийлик таълимотининг Самарқанд илмий муҳитига таъсири.....5

Нодиржон АБДУЛАХАТОВ. Сатук Буғраҳон Қорахоний.....15

Ulug'bek MANSUROV. 1920-1924-yillarda Far-g'ona vodiysi shaharlarida tibbiyot va sog'liqni saq-lash muammolari.....18

Ҳусан ХУШБАҚТОВ. Ўзбекистонда қишлоқ хў-жалиги машинасозлиги саноати тарихидан.....25

Obid TANGIROV. XIX asr oxirida Toshkent “Eski shahar” uylarining interyerlariga doir.....31

Bunyod HASANOV. Ikkinchi jahon urushi yillarida sog'liqni saqlash tizimidagi o'zgarishlar va ko'chirib keltirilgan gospi-tallar faoliyati tarixi (Namangan viloyati misolida).....33

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Nematullo NASRULLAYEV. Movarounnahrda XIII–XIV asrlarda ilmiy hayot va Sadrush-sharia al-Buxoriy merosi.....37

Гавҳар МҶМИНОВА, Ойдиной ОЧИЛОВА. Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший илмий мероси ва унинг халқ таъба-тини ривожлантиришдаги ўрни.....40

Азизхон ҲАКИМОВ. Мутарризий асарларида наҳвий билимни тизимлаш: “المصباح” мисолида.....45

НОДИР МАНБАЛАР

Акмалхон АКМАЛХАНОВ. “Мифтахул улум” асарида сўз яса-лиши ҳодисаси ва унинг илмий талқини.....52

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Зухра АРИПОВА. Араб матбуот тили ёзма нут-кининг жанр хусусиятлари.....56

Дилором САЛОҲИЙ. Мутафаккир Низомий ижодининг асосий тамойили – футувват дастури.....62

Гуландом ЮНУСОВА. Имом Бухорий – муҳад-дислар фахри асари ҳақида.....66

Syed SHANID ALI. Non physical laws of human life in the Qur'an – a Qur'an by Qur'an study.....71

Анвар МУСТАФОЕВ. Малайзияда давлат ва дин муносабатлари таҳлили.....83

Нозима ИБРАГИМОВА, Фарҳод ЖҶРАЕВ, Сурайё ИБРАГИМОВА, Ҳафиза ЗОЙИРОВА. Шариатда мазҳаб тутиш аҳамияти ва унинг фат-вога таъсири.....85

ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ

Habibullo SADIBAQOSEV. AQSH xavfsizlik tizimi-da Markaziy Osiyo omili: shakllanish jarayonlari va rivojlanish bosqichlari.....90

Abror TO'RAYEV. “Aql markazlari”ning siyosiy ti-zimdagi o'rni tahliliga oid nazariy yondashuvlar....94

Fazliddin QODIROV. Fuqarolik madaniyati o'zbek modeli: tahlil va baho.....101

Зиёдилла ЗИНАТУЛЛАЕВ. Марказий Осиёнинг IX–XII асрлар бошқарув тизимида доир илмий-назарий ёндашувлар таҳлили.....106

Feruza MAMADALIYEVA. O'zbekiston ta'lim tizi-mida korrupsiyaga qarshi kurash: siyosiy islohotlar va ijtimoiy mas'uliyat.....111

Oralbay JOLDASBAYEV. Sharq va G'arb mutafak-kirlari merosida insonparvarlik va ijtimoiy taraqqiyot.....115

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Жамшид ОЧИЛОВ. Техноген цивилизация на-тижаларининг трансформацияси ва глобаллашу-ви.....120

Sohibjon UMARJONOV. Faxriddin Roziyning G'u-riylar davri ilmiy va ijtimoiy mavqeyi.....124

Adxamxo'ja ABDULLAXO'JAYEV. Is'hoqxon To'ra Ibrat merosida huquqiy madaniyat va ma'rifatpar-varlik g'oyalari: transdissiplinar yondashuv.....128

Tolibjon XURSANMURODOV. Forobiy falsafasida baxtga erishish yo'li: aql, axloq va fazilatlar birligi.....134

Сарвар НИШОНОВ. Интеграция эпистемологи-ческих и онтологических парадигм образования и воспитания в Средневековом философском наследии востока.....137

Nodirbek URAQOV. Said Axmad Kosoniy (Mahdu-mi A'zam)ning “Risolai samoiya” asarida bag'ri-kenglik g'oyalarining tasavvufiy-falsafiy tahlili va musiqaga bo'lgan munosabat masalasi.....144

БИР ҲАДИС ШАРҲИ

Бидъатдан эҳтиёт бўлинг!.....149



FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Mirziyoyev Sh.M. Milliy tiklanishdan – milliy yuksalish sari. J.4. – T.: O‘zbekiston, 2020.
2. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O‘zbekiston strategiyasi. – T.: O‘zbekiston, 2021.
3. Karimov I.A. O‘zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. – T.: O‘zbekiston, 2011.
4. Бьюкенен П. Смерть Запада. – АСТ Москва, 2003.
5. Dryzek J. Deliberative global politics: discourse and democracy in a divided world. – Cambridge: Polity Press, 2006.
6. Habermas J. Der gespaltene Westen. – Frankfurt am Main: Suhrkamp Verlag, 2004.
7. Kymlicka W. Politics in the vernacular: nationalism, multiculturalism and citizenship. – Oxford: Oxford University Press, 2001.
8. Young I. Global challenges: war, self determination and responsibility for justice. – Cambridge: Malden, 2006.
9. <https://lex.uz/docs/1101278>.
10. <https://lex.uz/docs/5841063>.
11. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/ahmad-donish-uz/>
12. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-j/jaloliddin-manguberdi-uz/>
13. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-s/spitamen-uz/>
14. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-sh/shiroq-uz/>
15. <https://strategy.uz/index.php?news=984>
16. https://uza.uz/oz/posts/ozbekiston-2030-strategiyasi-maqsad-va-vazifalar_532507
17. <https://www.gazeta.uz/oz/2023/09/12/strategy/>.

Зиёдилла ЗИНАТУЛЛАЕВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA”
кафедраси доценти, PhD

**МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ IX-XII АСРЛАР БОШҚАРУВ ТИЗИМИГА ДОИР
ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ**

Мақола Марказий Осиё бошқарув тизими эволюциясига оид тадқиқотлар ва илмий-назарий ёндашувларни ўрганишга бағишланган. Унда Марказий Осиё тарихи, этнографияси, давлатчилиги, суд-ҳуқуқ тизими, минтақада кечган диний жараёнлар ёритилган. Шунингдек, сўнгги йилларда турли мунозараларга сабаб бўлаётган Сомонийлар сулоласининг келиб чиқиши ҳақидаги масалала ҳам мурожаат қилинган. Мақолада мазкур баҳсли муаммонинг бирламчи манбалар ва замонавий тадқиқотларда келтирилган маълумотларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилган.

Таянч сўзлар: Марказий Осиё, Хуросон, Мовароуннахр, Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар.

The article is devoted to the investigation of research and scientific-theoretical approaches to the investigation of the Central Asian governance system. It discusses Central Asia's history, ethnography, statehood, the judicial system and religious processes in the region. The origin of the Samanids, which has been the subject of numerous debates in recent years has also been addressed. The article is based on a comparison of the primary sources of this controversial topic and the data presented in modern research. **Keywords:** Central Asia, Khorasan, Movarounnahr, Samanids, Karakhanids, Gaznavids, Seljuks.

Статья посвящена изучению исследований и научно-теоретических подходов к эволюции центральноазиатской системы управления. Он охватывает историю Центральной Азии, этнографию, государственность, судебную систему, религиозные процессы в регионе. Затрагивается и вопрос о происхождении Саманидов, который в последние годы является предметом различных споров. Статья основана на сравнительном анализе первоисточников этой спорной проблемы и данных, представленных в современных исследованиях. **Ключевые слова:** Средняя Азия, Хорасан, Мовароуннахр, Саманиды, Караханиды, Газневиды, Сельджуки, Хорезмшахи.

Кириш. Марказий Осиёнинг IX – XII асрлардаги давлат бошқаруви ва унинг эволюцияси юзасидан махсус комплекс тадқиқот олиб борилмаган. Фақат турли даврлар тарихи ҳақида ёзилган, шунингдек,

муайян сулола тарихига оид тадқиқотларда қисман бошқарув тизимига доир айрим маълумотларни учратиш мумкин. Масалани ўрганиш жараёнида ўзбекистонлик олимлар томонидан Марказий Осиё-



нинг ўрта асрлар даври, хусусан, Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар каби ўзбек давлатчилиқ тарихининг муҳим давларига оид тарихий хариталар ҳанузгача яратилмагани, ушбу давр тарихий картографиясини ўрганишда рус ва Ғарб географлари ҳамда тадқиқотчилари томонидан ишлаб чиқилган хариталардан фойдаланиб келинаётганига урғу берилган.

Тадқиқот методологияси. Мазкур мақолада Марказий Осиёнинг IX–XII асрлар бошқарув тизимида доир тадқиқотлар ва улардаги илмий-назарий ёндашувлар қиёсий таҳлил методи орқали таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар. Марказий Осиёга ислом дини кириб келгач, ўлка Араб халифалиги тасарруфига ўтди. Бироқ IX асрнинг иккинчи ярмига келиб, халифаликдаги ички зиддият ва қўзғолонлардан фойдаланиб, Хуросон ва Мовароуннаҳрда волийларнинг ўз ички мустақил ҳокимиятини ўрнатиши натижасида янги туркий мусулмон сулолалар пайдо бўла бошлади. Мазкур давлатларнинг бошқарув тизими Араб халифалиги девон тизимидан ўзлаштирилган бўлиб, унинг асослари ҳижратдан сўнг Мадина давлати ташкил топгач, шакллана бошлаган бўлса, ҳулафои рошидин ва Умавийлар даврига келиб, тўлиқ шакллантирилди. Ушбу жараёнлар Қ.Зоҳидовнинг [6] диссертациясида бирмунча кенг ёритилган. Қ.Зоҳидов ўз диссертациясида араб, форс, рус ва ўзбек тилларидаги манба, адабиёт ҳамда тадқиқотларга таянган ҳолда Араб-мусулмон давлатининг вужудга келиши жараёнлари, давлатчилик тизимида янги институтларнинг пайдо бўлиши, халифалик ҳудудларининг кенгайиб боришида ҳарбий омилларнинг ўрни ҳамда давлат фаолиятидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид бирламчи манбаларни таҳлил қилишда тарихий-қиёсий услубдан фойдаланган. Шунингдек, жамиятни бошқариш жараёнида ҳукмрон доиралар томонидан ислом мафкурасини истифода этиш механизми очиқ берилган.

Мовароуннаҳрда ислом дини кириб келганидан кейинги даврда давлатчиликнинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари тадқиқ қилинган Ҳ.Муҳамедовнинг [12] диссертацияси эътиборга молик. Тадқиқот ҳуқуқшунослик фанлари бўйича ёзилган бўлса-да, иш тарихийлик асосида ёритилган. Диссертацияда Мадина шаҳар давлатининг вужудга келишидан то Марказий Осиёда мусулмон сулолаларининг ташкил топиши, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва бошқарувдаги ўзгаришлар баён этилган. Бироқ ишда бирламчи манбаларга деярли мурожаат этилмаган. Ҳ.Муҳамедов исломда давлат

ва фикр манбалари ҳамда фикрда давлат назарияси масалалари номли бандларида асосан Ғарб шарқшунос ва исломшунос олимлари маълумотларига таянган. Бу, ўз навбатида, тадқиқот натижаларининг бирёқламалигига олиб келади.

Ўрта асрларда Марказий Осиёнинг шарқида ташкил топган Қорахонийлар давлатининг шаклланиш жараёнлари, бошқарувда қўлланилган унвонларнинг ўрни ва қорахонийлар давлат бошқарувининг ўзига хос жиҳатлари Б.Маҳмудовнинг [11] диссертациясида ўз ифодасини топган. Тадқиқот иши тарихийлик ҳамда мантиқий кетма-кетлик асосида амалга оширилган. Диссертацияда Қорахонийлар давлатининг ташкил топиш санаси – туркий халқлар тарихига оид манбалар ва этнографларнинг асарлари орқали ёритилган. Хоқонликнинг бошқарув тизими ва унинг тузилмалари ҳақида ҳам сўнгги бандда тўхталиб ўтилган.

Марказий Осиёнинг ўрта асрлардаги бошқарув тизими тарихи ҳақида хорижлик олимлар томонидан ҳам қатор тадқиқотлар олиб борилган. Қуйида уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

Туркияда Марказий Осиё тарихига қизиқиш жуда юқори даражада. Бунинг сабаби, туркларнинг илк аجدодлари айнан шу ҳудуддан мўғуллар таъқибидан қочиб, Кичик Осиё ҳудудига бориб ўрнашган. Шунинг учун улар Мовароуннаҳр (ўша даврда ўғуз турклари асосан Орол денгизи этаклари, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимида истиқомат қилган) ҳудудини “Ота юрт” деб атайдилар. Шу боис, турк олимлари томонидан ҳам Марказий Осиёнинг турли давр тарихига оид кўплаб тадқиқот олиб борилган. Шулардан бири Иброҳим Қафес ўғлининг “Хоразмшоҳлар давлати тарихи” асари [9]дир. У Хоразмнинг IX–XI асрлардаги тарихига бағишланган бўлиб, унда муаллиф ниҳоятда кўп манбалардан фойдаланган. Жумладан, тарихий манбалар учун Рашиддин Ватвот, Муҳаммад Бағдодий, Мунтажибуддин Бадеийнинг мактубларидаги, Абул Фазл Байҳақийнинг “Тарихи Байҳақ”, Ибн Восилнинг “Муфарижул кулуб”, Ибн Исфандиёрнинг “Тарихи Табаристон”, Насавийнинг “Сийратус Султон Жалолиддин”, Жувайнийнинг “Тарихи Жаҳонгушо”, Рашиддиннинг “Жоме ат-таворих”, Ибн Асирнинг “Ал-комил фит-тарих”, Ёқут Ҳамавийнинг “Мўъжамул булдон” ва яна шу каби ўнлаб тарихий, илмий, географик асарлардаги маълумотларни асос қилиб олган. Иброҳим Қафес ўғли асарни ёзишда манбалардаги турли ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда, илмий, қиёсий ҳамда ҳолисона ёндашув асосида иш кўрган ва тарихий ҳақиқатдан чекинмаган. У бу ҳусусда шундай дейди: “Биз тарихимиздаги буюк



аҳамиятни аниқлашга ҳаракат қилганимиз Хоразм-шоҳлар давлатининг бошланишидан бошлаб то қулашигача бўлган барча саҳифаларини қўлимизда мавжуд жамики манбалар ва тарихий ҳужжатларга таянган ҳолда аниқлашга ҳаракат қилдик”. Ушбу асар таржимон Назарбек Раҳим томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, 2016 йилда нашр этилди [15:316].

Америкалик олим Уилям Люк Тредвел Сомонийлар давлатининг сиёсий тарихи бўйича тадқиқот олиб борган ва унинг натижаларини 1991 йили китоб ҳолида нашр эттирган [13]. У ўз асарида Сомонийларни Шарқий Эрон ҳамда кейинчалик турк мусулмон давлатлари ташкил топган Мовароуннахр ҳудудини бошқарган сўнгги форс сулоласи деб атайди. Маданият ва сиёсий бошқарув жиҳатдан уларни Аббосийларнинг вориси деб атайди. Сомонийларнинг Шарқий ҳудудларга ғазовотлар уюштириши натижасида исломни қабул қилган қорахонийлар ва ғазнавийлар кейинчалик мустақил ҳолда ажралиб чиқиб, Сомонийларнинг таназзулига асосий сабабчи бўлди. Тредвел ўз тадқиқот ишини В.В.Бартольд ва Р.Н.Фрайнинг ёндашувларига таянган ҳолда олиб борган. Биринчи бобида эса, ўрта аср муаллифлари Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддисийлар асарларига мурожаат этган. Шунингдек, Сомонийлар давлатининг географик жойлашуви, савдо йўллари, асосий даромад манбалари ҳамда бошқарув тизими ҳақида маълумотлар бериб ўтган. Тредвел ўз тадқиқотида Сомонийлар бошқарув тизимини мўғулларгача бўлган даврдаги мусулмон турк сулоалари бошқарув тизими билан солиштириб чиқишни мақсад қилган. Бироқ унинг ўзи бу даврга оид маълумотлар ниҳоятда кўп ва тартибсизлиги сабабли амалга ошира олмагани ҳамда шу сабабли сўнгги бобда Сомонийлар бошқарувига кенгроқ тўхталиш билан кифояланганлигини айтади [13:7].

Таниқли шарқшунос олим Юрий Брегал ўзининг “Тарихий хариталарда Марказий Осиё” [4] номли асарида Мовароуннахрда IX–XII асрларда ҳукмронлик қилган мусулмон сулоалари ва уларнинг тарихи ҳақида қимматли маълумотлар ҳамда тарихий хариталарни келтириб ўтган. Жумладан, асарда Сомонийлар давлатининг ташкил топиши, бошқарув тизими, ташқи сиёсати, ҳарбий ҳаракатлари, маданий юксалиш жараёнлари ҳақида қисқа бўлсада, муҳим маълумотлар берилган. Шунингдек, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразм-шоҳлар каби давлатларнинг ташкил топишидан то таназзулигача бўлган даврдаги сиёсий тарихи, давлатлар ўртасида олиб борилган урушлар, ҳарбий бошқарув ва унвонлар, турк мусулмон сулоалари-

нинг тараққий этган ҳамда таназзулга учраган даври тарихий кетма-кетликда очиб берилган. Асарнинг алоҳида, ўзига хос муҳим жиҳати шундан иборатки, унда ўзбек давлатчилигининг Александр Македонский босқини давридан то XX аср сўнгигача бўлган тарихий жараёнлар хариталари ишлаб чиқилган. Ва бундай иш ҳозирги кунгача Ўзбекистонда тарихий картография соҳасида амалга оширилмаган. Фақатгина профессор З.Саидбобоев томонидан “Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картографик маълумотлар (XVI–XIX асрлар)” номли китоби ва номзодлик диссертациясида антик давр, ўрта асрлар мусулмон ренессанси географ олимлари, янги давр Ғарбий Европа ва рус географ ва картографлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилган ҳамда уларнинг асарларидаги Марказий Осиё тарихига оид хариталар илова сифатида келтирилган.

Рус шарқшуносларидан В.В.Бартольд (1869–1930) ўзининг “Туркистон мўғуллар босқини даврида” [3] асарининг “Мўғулларгача бўлган давр” деб номланган қисмида Марказий Осиёнинг VIII–XII асрлардаги тарихини ўрта аср географ ва тарихнавислари: Яхё Балозурий (ваф. 892 й.), Муҳаммад Жарир Табарий (839–923), Абу Бакр Наршахий (899–960), Муқаддисий (945–991), Аҳмад Салломий (X аср), Абу Мансур Саолибий (ваф. 1037 й.), Абу Муҳаммад Утбий (961–1040), Абу Саид Гардизий (ваф. 1061 й.), Абул Фазл Байҳақий (995–1077), Низомулмулк (1018–1092), Ибн Асир (1160–1233) каби муаллифлар томонидан ёзилган бирламчи манбалардан фойдаланган. Мазкур муаллифлар асарлари кўплаб ғарб тилларига таржима қилинган. В.В.Бартольд эса ўз асарида Туркистоннинг мўғулларгача бўлган даври тарихини мазкур таржима-ларнинг қиёсий таҳлили асосида ёритган.

В.В.Бартольд келтирган маълумотларга кўра, Ибн Асир исломнинг дастлабки уч асрлик тарихини ёритишда Табарийнинг “Тарихи ар-расул вал-мулк” (“Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи”) асарини асос қилиб олган. Ушбу асарнинг бир гуруҳ шарқшунослар томонидан 1901 йилда нашр этилиши шарқшуносликда улкан қадам бўлди. Ибн Асирнинг Табарийга муносабатини немис олими К.Броккельман тадқиқ этган [3:47].

Ибн Асир тарихни ёзишда Табарий услубидан фойдаланган, яъни икки бир-бирига қарама-қарши маълумот келиб қолса, иккисини ҳам баён этган. Воқеанинг ишончлилиги масаласига тўхталмаган. Унинг ижодида танқиднинг йўқлиги ўша давр учун ҳам ҳайратланарли ҳолат. Ибн Асир ўз асарида ўзи тўплаган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда ма-



хорат билан ишлаган ва ўздан олдинги ижодкор ишини асосан тўлдирган. Шунингдек, К.Броккельманнинг таъкидлашича, араблар ва хитойликлар ўртасида 751 йили Талас водийсида бўлиб ўтган ҳал қилувчи жанг тафсилотлари фақатгина “Ал-камил фит-тарих” асарида келтирилган. Ҳатто, бу маълумотлар Табарийда ҳам келтирилмаган. Ибн Асир келтирган хабарнинг ҳаққонийлигини Хитойнинг “Тан сулоласи тарихи” ҳам тўлиқ тасдиқлайди [3:48].

В.В.Бартольд мазкур китобида Марказий Осиёнинг ўрта асрлар даври тарихига оид манбаларнинг манбашунослик таҳлилини жуда чиройли тарзда ёритиб берган. У араб тарихнавислари ўз асарларини ўзларига қайси муаллифлар асарларидан фойдалангани, шунингдек, ўша асарларнинг ҳозирги кунда мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, агар бор бўлса, дунёнинг қайси ҳудудида сақланаётгани ҳақида батафсил маълумот берган. В.В.Бартольднинг ушбу асари ҳозирги кунда ҳам тадқиқот иши олиб бораётган ёш тадқиқотчилар учун йўл харитаси вазифасини ўташи мумкин.

Яна бир рус олимларидан Л.С.Васильев ўзининг “Шарқ тарихи” номли асарида [5] Аббосийлар халифалиги заифлашуви оқибатида Марказий Осиёда вужудга келган мусулмон сулолалари ҳақида маълумотлар берган. Бироқ олим улар орасига Сомонийлар давлатини киритмаган. Ҳазнавийларнинг Шимолий Ҳиндистонда олиб борган ғазовот юришларига тўхталиб, Маҳмуд Ҳазнавий вафотидан кейин давлат таназзулга юз тутгани ва бунда салжукийларнинг тарғиботи муҳим роль ўйнаганини келтиради. Шунингдек, Салжукийлар, Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар давлатининг вужудга келиши ва парчаланишининг асосий омилларига тўхталган. У бунинг асосий сабаби сифатида туркийларга хос уруғ-аймоқчилик ва урф-одатларнинг бошқарувга салбий таъсир кўрсатганлиги ҳолатини келтиради. Яъни, катта ҳудудларга тайинланган волийларга ярим мустақиллик беришни кейинчалик марказий ҳокимиятга бўйсунмасликка ва давлатнинг пароканда бўлишига асосий сабаб қилиб кўрсатади.

Л.С.Васильев туркий қарлуқлар ва ўғуз туркларининг Марказий Осиёда тобора кучайиб бориб, ўз давлатларига асос солганини қайд этади. Бироқ у қарлуқлар ва ўғузларни ислом динини қабул қилишига ҳамда кейинчалик ўз давлатларига асос солишига сабабчи бўлган Сомонийларга тўхталиб ўтмаган.

Сомонийлар давлати ўзбек давлатчилиқ тарихида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Сомонийларнинг асл келиб чиқиши масаласи ҳозирги кунга қадар долзарб ва баҳсли бўлиб келмоқда. Бу борада

В.В.Бартольд, Л.С.Васильев, Ю.Брегел, У.Л.Тредвел ва бошқа қатор муаллифлар томонидан илгари сурилган фикрларни таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга. Сомонийларнинг келиб чиқиши ҳақида манбалар ва илмий адабиётларда турлича қарашлар мавжуд. Халифа Ҳишом ибн Абдулмалик (халифалик даври 723-742) 105/723-724 йилда Абул Ҳайсам Холид ибн Абдуллоҳ ибн Язид ибн Асад Қасрийни (686-744) иккала Ироқ, Сижистон ва Хуросон волийси этиб тайинлайди. Холиднинг ўзи Ироқда қолиб, Куфада ҳукм суради, Хуросонга эса укаси Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қасрий (Наршахийда: ал-Қушайрий [1:132])ни юборади [2:51].

Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида қуйидагича келтирилади: “Асад ибн Абдуллоҳ Қасрий яхши ишлар қилувчи ва баходир киши бўлиб, кўнгли арабларга ҳам, ерли халқларнинг асилзода оилаларига ҳам ғамхўрлик қилишга ва уларни дўст тутишга мойил бўлган. Сомонийларнинг бобоси Сомонхудо (VIII аср) Балхдан қочиб Марвга, унинг олдида келганида, у Сомонхудога иззатлаган ва ҳимоя қилиб, унинг душманларидан Балхни унга қайтариб олиб берган. Сўнг Сомонхудо унинг қўлида ислом динини қабул қилган. Унинг Сомонхудо дейилишига сабаб, у бир қишлоқ барпо қилиб, унга Сомон деб ном берган ва Бухоро амирини Бухорхудо деб атаганларидек, уни ҳам шу қишлоқ номи билан Сомонхудо деб атаганлар. Сомонхудо ўғил фарзанд кўради ва Асад Қасрийни дўст тутгани учун ўғлига Асад исмини беради. Шу Асад Амири мозий, яъни амир Исмоил Сомонийнинг бобосидир. Исмоил Аҳмаднинг ўғли, Аҳмад Асаднинг ўғли, Асад Сомонхудонинг ўғли, Сомонхудо эса Баҳром Чўбин (ваф. 592 й.) маликнинг авлодларидандир” [1:133]. Ўша даврларда аҷам, хусусан, халифаликнинг Машриқ халқлари орасида исломни қабул қилган киши кейинчалик фарзанд кўрса, унга исломни қабул қилишига сабабчи бўлган шахснинг исмини қўйиш одати бўлган.

Тарихчи Ибн Асир ўзининг “Ал-Комил фит-тарих” асарида Сомонийларнинг келиб чиқиши ҳақида қуйидаги маълумотни келтиради: Исмоил ибн Аҳмад ибн Сомонхудо ибн Жусмон ибн Тамғас ибн Наушард ибн Баҳром Чубин ибн Баҳром Гушнасп. Баҳром Гушнасп Рай шаҳридан бўлиб, Сомонийлар шоҳи Ҳурмуз ибн Анушервон уни Озарбайжон марзбони (ноиб, ҳоким) этиб тайинлаган [7:65].

Юрий Брегелнинг маълумотида кўра, Сомонийлар Мовароуннаҳрда ҳукмронлик ўрнатган биринчи форс сулоласи саналади [4:20]. Бироқ сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар юқоридаги фикрнинг заиф тарафларини кўрсатмоқда. Шарқ-



шунос олимлардан тарих фанлари доктори, профессор Ш.С.Камолиддиннинг тадқиқотлари натижасига кўра, Сомонийларнинг келиб чиқиши аслизода форслардан бўлгани ҳақидаги фикр хато бўлиб, бу уларнинг фақат Баҳром Чубиннинг авлодлари бўлганига асосланган. Баҳром Чубиннинг ўзи ҳам аслида форс бўлмаган, балки Сосонийлар хизматидаги хуросонлик ўғуз туркларидан келиб чиққан [10:74]. Асад ибн Сомоннинг аجدодлари бухорхудотлар сулоласига мансуб ёки улар билан қариндош бўлган. Манбалардан маълумки, Сомонийлар Сосонийлар саркардаси Баҳром Чубин ва Бухоронинг ҳукмдори Эл-тегин (Пармуда)нинг қизи ўртасидаги никоҳдан дунёга келган авлодлардир. Ўз навбатида, бухорхудотлар ҳам Бухоронинг туркий ҳукмдори Эл-Арслон (Шери Кишвар, VI аср охири-VII аср боши) ва Эл-тегин (588-590 йй. Тохаристон ҳукмдори) билан яқин қариндош бўлган [8:131]. Академик Карим Шониёзов ўзининг “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни” асарида қуйидаги фикрни келтиради: “Сомонийлар давлатида туркий, тожик ва бошқа халқлар, элатлар яшаган. Шунинг учун ҳам бу давлатни айрим адабиётларда қайд қилинганидек, фақат тожик давлати деб қараш тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди” [14:14].

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёнинг VIII–XII асрлардаги сиёсий тарихи ва ўша даврда ҳукм сурган илк туркий мусулмон сулолаларининг бошқарув тарихи комплекс ўрганилмаган. Мазкур давр тарихини бирламчи манбалар орқали тадқиқ этиш Ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим бурилиш ясаган давр тарихига ҳолисона баҳо беришда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Хулоса:

– Марказий Осиёнинг VIII-XII асрлар тарихи давлатчилигига оид Ўзбекистонда олиб борилган

тадқиқотларда ўрта асрлар даври муаллифлари томонидан ёзилган бирламчи манбалардан етарли даражада фойдаланилмаётганини қайд этиш лозим. Маҳаллий тадқиқотчилардан фарқли ўларок, хорижлик олимлар, жумладан, Бартольд, Литвинский, Иброҳим Қафес ва бошқаларнинг ишларида бирламчи манбаларга кўпроқ мурожаат қилинган.

– Ўзбекистонлик олимлар томонидан Марказий Осиёнинг ўрта асрлар, хусусан, Сомонийлар, Қоракхонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар каби ўзбек давлатчилиги тарихининг муҳим давларига оид тарихий хариталар яратилмаган. Ҳозирги кунга қадар тарихий картография масалларида рус ва Ғарб географлари ҳамда тадқиқотчилари томонидан ишлаб чиқилган хариталардан фойдаланиб келинмоқда.

– Ўзбек давлатчилиги тарихида Сомонийлар ҳукмронлиги даври исломга асосланган янгича сиёсий бошқарув тизимининг қарор топишида ҳамда Биринчи Ренессанснинг юзага чиқишида катта аҳамият касб этган. Шу боис, ушбу даврни янада чуқурроқ ўрганиш ва сомонийларнинг келиб чиқиши масаласи ҳақидаги мунозараларни узил-кесил ҳал этиш тарихчи манбашунослар олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади.

– Миллий давлатчилик тарихи, жумладан, унинг бошқарув тизими эволюциясига оид ўрта аср манбаларининг кичик қисмигина ўзбек тилига таржима қилинган, ҳолос. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг араб ва форс тилларидаги ўрта аср манбаларини аслиятда ўқиши қийинлигини эътироф этган ҳолда, таржима қилинмаган манбаларни ўзбек тилига ўгиришни жадаллаштириш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. – Т.: Камалак, 1991.
2. Абул Аббос Аҳмад ибн Яҳё ал-Балозурий. Футуҳ ал-булдон. Хуросоннинг фатҳ этилиши / Сўз боши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. – Т.: ТошДШИ, 2017.
3. Бартольд В.В. Сочинения. I том. (Туркестан в эпоху монгольского нашествия) – Москва., 1963.
4. Bregel Y. Historical maps of Central Asia: 9th-19th centuries A.D., ed. by Yu. Bregel. – Bloomington, Indiana: Research Institute for Inner Asian Studies, 2000. – (Papers on Inner Asia, Special Supplement).
5. Васильев Л.С. История Востока. I том. – Москва., 1998.
6. Зоҳидов Қ. Илк ислом давлатчилиги ва унинг шаклланиш жараёнлари (632-661). Тар. фан. ном.... диссертация автореферати. –Т., 2012.
7. Ибн ал-Асир. Ал-камил фит-тарих. Перевод с арабского языка, примечания и комментарии Ц.П.Булгаков. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С.Камалиддина. – Т.: Узбекистан, 2006.
8. Ибн Ҳавқал. Мовароуннаҳр. Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011.
9. İbrahim Kafesoğlu. Harezmşahlar Devleti Tarihi. Türk tarih kurumu. – İstanbul: 2000.



10. Камолитдин Ш.С. IX-X асрларда ўзбек давлатчилиги тарихидан (Сомонийлар тарихи бўйича янги тадқиқотлар). – Шарқшунослик, 2012/1.
11. Махмудов Б.Х. Қорахонийлар давлатчилиги тузумининг хусусиятлари. Тар.фан.ном.... диссертация автореферати. – Т., 2010.
12. Мухамедов Х. Мовароуннахрда давлатчилик ривожланишининг муаммолари (VIII–XIII). Юр.фан.ном..... диссертация автореферати. –Т., 2001.
13. Treadwell W.L. The Political history of the Samanid state. – St John's College: Trinity term, 1991.
14. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: Шарқ, 2001.
15. Қафес ўғли, Иброҳим. Хоразмшоҳлар давлати тарихи. Таржимон Назарбек Раҳим. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2016.

Feruza MAMADALIYEVA

Toshkent davlat agrar universiteti dotsenti,
falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti mustaqil tadqiqotchisi

O'ZBEKISTON TA'LIM TIZIMIDA KORRUPSIYAGA QARSHI KURASH: SIYOSIY ISLOHOTLAR VA IJTIMOIIY MAS'ULIYAT

Mazkur maqolada ta'lim tizimidagi korrupsiya jamiyatning intellektual salohiyati, ijtimoiy adolat va barqaror rivojlantirishga jiddiy xavf tug'diruvchi murakkab ijtimoiy hodisa ekanligi to'g'risida so'z yuritilgan. Ta'lim sohasida korrupsiyaning mavjudligi bilim va malakaga asoslangan raqobat muhitini izdan chiqarib, kasbiy halollik va axloqiy qadriyatlarining qadsizlanishiga olib kelishi ta'kidlangan. Shuningdek, so'nggi yillarda mamlakatimizda korrupsiyaga qarshi kurash davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida belgilanganligi va ta'lim tizimida keng ko'lamli institutsional hamda raqamli islohotlar amalga oshirilganligi haqida ma'lumot berilgan. **Tayanch so'zlar:** korrupsiya, ta'lim tizimi, O'zbekiston, siyosiy islohotlar, axloqiy mas'uliyat, kasbiy etika, shaffoflik.

This article discusses the complex social phenomenon of corruption in the education system, which poses a serious threat to the intellectual potential of society, social justice and sustainable development. It is emphasized that the presence of corruption in the education sector disrupts the competitive environment based on knowledge and skills, leading to the depreciation of professional integrity and moral values. It also provides information that in recent years, the fight against corruption in our country has been identified as one of the priorities of state policy and that large-scale institutional and digital reforms have been implemented in the education system. **Keywords:** corruption, education system, Uzbekistan, policy reforms, moral responsibility, professional ethics, transparency.


В данной статье рассматривается сложный социальный феномен коррупции в системе образования, представляющий серьезную угрозу интеллектуальному потенциалу общества, социальной справедливости и устойчивому развитию. Подчеркивается, что наличие коррупции в секторе образования подрывает конкурентную среду, основанную на знаниях и навыках, что приводит к обесцениванию профессиональной честности и моральных ценностей. Также приводится информация о том, что в последние годы борьба с коррупцией в нашей стране была определена как один из приоритетов государственной политики и что в системе образования были реализованы масштабные институциональные и цифровые реформы. **Ключевые слова:** коррупция, система образования, Узбекистан, политические реформы, моральная ответственность, профессиональная этика, прозрачность.

Kirish. Korrupsiyaga XXI asrda global miqyosda davlat boshqaruvi, iqtisodiyot va ijtimoiy institutlar samaradorligini pasaytiruvchi asosiy omillardan biri sifatida qaralmoqda. Jahon banki ma'lumotlariga ko'ra, korrupsiya rivojlanayotgan mamlakatlarda iqtisodiy o'sishni sekinlashtirib, ijtimoiy tengsizlikni chuqurlashtiradi [12]. Ta'lim tizimi esa korrupsiya eng xavfli oqibatlarga olib keladigan sohalardan biri bo'lib, u jamiyatning kelajak intellektual va axloqiy salohiyatiga bevosita ta'sir ko'rsatadi.

Xalqaro tadqiqotlar ta'limdagi korrupsiyani tizimli hodisa sifatida baholab, uning asosiy ko'rinishlari sifatida poraxo'rlik, baholarni sotish, noqonuniy qabul, ilmiy ishlar va dissertatsiyalarda plagiat, soxta mualliflik hamda diplom savdosini qayd etadi [13]. Ushbu holatlar ta'lim sifati pasayishiga, bilim va malaka emas, balki norasmiy resurslar muvaffaqiyat omiliga aylanishiga olib keladi.

O'zbekistonda ta'lim tizimidagi korrupsiya muammosi mustaqillikdan so'ng shakllangan ijtimoiy-iqtiso-





BUYUK MUHADDIS OLIM - IMOM BUXORIY MAJMUASI





2026-YIL UCHUN JURNALIMIZGA OBUNA BO'LING!

**O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi
huzuridagi Imom Buxoriy xalqaro
ilmiy-tadqiqot markazi rekvizitlari:**
O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G'aznachiligi
H/r: 23402000300100001010
INN (STIR): 201122919 **MFO:** 00014
Markaziy bankning Toshkent shahar XXXKM
SHHV: 400110860182247015100253001
INN (STIR): 207265166
Murojaat uchun telefon: (0366) 240 2019



**Obuna
indeksi -
№ 946, 947
Bir yillik
obuna narxi -
360 000
so'm**



MANZILIMIZ:

141306, Samarqand viloyati,
Payariq tumani, Xo'ja Ismoil shaharchasi.

E-mail: buxoriysaboqlari@bukhari.uz
Web-sahifa: www.bukhari.uz
Telefonlar:
(0366) 240-2019, (0366) 240-2011,
(+99899) 735-02-85

Bosishga 25.03.2026 yilda ruxsat berildi.
Qog'oz bichimi - 60x84 1/8.
Ofset bosma usulida bosildi.
Bosma tabog'i - 10. Adadi - 150.
Buyurtma № 25/03.
Nashr indeksleri - № 946, № 947.
ISSN 2181-4791

Jurnal 2019-yil 8-aprelda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti
Administratsiyasi huzuridagi
Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan
№ 0057 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Bir yilda to'rt marta chop etiladi.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Tahrir hay'atining fikri muallif fikridan farq qilishi mumkin.


Jurnal andazasi tahririyatning kompyuter bo'limida
tayyorlandi.

Jurnal «SHABNAM SUPER PRINT» MCHJ
bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Samarqand shahri, Ziyokorlar ko'chasi, 1-uy.
Tel.: (+99890) 104-13-33.

DUNYODA ILMDAN BOSHQA NAJOT YO‘Q VA HECH QACHON BO‘LMAGAY.

Imom Buxoriy



Telegram: @bukhariuz | @buxoriysaboqlari



E-mail: buxoriysaboqlari@bukhari.uz